

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА БОЛАЛАРНИНГ ЁШ ВА МУЛОҚОТ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БИЛИШ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети ўқитувчиси

И.Ф.Хужамқурова

Аннотация: Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида болаларнинг ёш ва мулоқот хусусиятларини билиш жараёни ҳақида сўз юритилган.

Калит сўз: мулоқот хусусиятлари, билиш жараёни, жамият, глобаллашув, касбий компетентлик, ижтимоий компетентлик,

Аннотация: Рассмотрен процесс изучения возрастных и коммуникативных особенностей детей в дошкольных образовательных организациях.

Ключевые слова: характеристики общения, познавательный процесс, общество, глобализация, профессиональная компетентность, социальная компетентность,

Abstract: The process of studying the age and communicative characteristics of children in preschool educational organizations is considered.

Key words: characteristics of communication, cognitive process, society, globalization, professional competence, social competence,

Жаҳонда юз берадиган глобаллашув жараёнлари жамиятда инсонлар хаётида туб бурилишларга сабаб бўлаётган ўзгаришлар, таълим-тарбия жараёнидаги камчиликлар ёшларнинг дунёқараси ва хулқ-авторининг шаклланишига жиддий хавф солмоқда. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга йўналтирилган стратегик вазифалар белгиланиб, зарур меъёрий асослари яратилди: «Боланинг келгусида ўзини ўзи муваффақиятли намоён қилиши учун асос

сифатида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантириш, мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш»¹ муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Тезкор ривожланаётган даврда таълимни инсонпарварлаштириш педагог ва тарбиячилар олдига улкан вазифаларни юклайди, яъни улар ахлокий-маънавий жиҳатдан етук, ижтимоий фаол, ижодий фаолиятга мойиллик янгича касбий дунёкараш шунингдек, ўзгараётган замон талабларига мослаша олиш қобилиятига эга бўлишлари талаб этилади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда узлуксиз таълимнинг илк бўғини бўлган мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячиларга улкан масъулият юкланди. Бугунги кун тарбиячиси болаларга таълим-тарбия беришнинг энг самарали йўлларини танлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак.

Тарбия бериш жараёнида болаларда нафақат қоида ва хулк-атвор меъёрлари, балки барча ижобий фазилатлар шакллантирилади. Бунинг учун тарбиячида педагогик маҳорат шаклланган бўлиши лозим. Педагогик маҳорат инсон тарбиясини амалга оширувчи ўқув-тарбия ишларининг самарали бўлишига таъсир этувчи муҳим омиллардан.

Шарқ ва ғарбий Европанинг қўпгина мамлакатларида фаолият олиб бораётган мутахассислар бола ривожланиши жараёнидаги дастлабки мулоқот бир киши билан - одатда онаси билан бўладиган мулоқотни гўдакнинг тўлақонли ривожланиши учун идеал деб ҳисоблашади. Ушбу фикрларни тасдиғи сифатида профессор В.М.Каримованинг "Дастлабки мулоқот ва меҳрли муносабат бола шахси шаклланишига хизмат қилувчи асосий омил" деган концептуал фикрларини келтиришимиз мумкин. Бундай мулоқот меҳрга тўлалиги, ўйинлар ва интерактив диалогларга бойлиги билан ажralиб туради. Ушбу муаммо доирасида олиб борилган тадқиқот ва изланишлар натижалари болалик давридаги жисмоний, биологик хамда психологик

¹ Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон.

эркинлик боланинг шахс сифатида тўғри шаклланишига хизмат қиладиган асосий омиллар эканлигини қўрсатмоқда.

Бундан ташқари, болаларнинг катталар билан кечадиган дастлабки мулоқоти бошқа кўплаб бувиси, буваси, опа-сингил каби кенг доирадаги мулоқотларнинг ҳам шаклланиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Бола ривожланишининг дастлабки даврларида унга атрофдагиларнинг ғамхўрлиги жуда зарур. Шу билан бирга, бу муносабатлар қанчалик мулоқотга бой бўлса, бола шунчалик соғлом ва ўзига ишонч билан вояга етади. Бола бир ёшга тўлгунга қадар бўлган давр новербал (сўзсиз) мулоқот даври бўлиб, ундаги барча ўзгаришлар яқинлари, айниқса, онаси билан эмоционал, бевосита муносабатларнинг натижаси сифатида бора-бора муомалага тил ҳамда товушлар билан боғлиқ белгилар кириб кела бошлиди.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва харакатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Қуйидаги касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик қўрсатиш қўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади.

Улар ўзида қуидаги мазмунни ифодалайды:

психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик мұхитни яраты олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошка иштирокчилари билан ижобий мұлоқотни ташкил этиш, турли салбай психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

методик компетентлик – педагогик жарайонни методик жищатдан оқилона ташкил этиш, таълим йоки тарбиявий фаолият шаклларини түғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадға мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

информацион компетентлик – ахборот мұхитида зарур, мұхим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жарайонининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалийотга муваффақиятли татбиқ этиш;

коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мұлоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг болалар мұлоқоти ва шахси шаклланишига педагогик-психологик таъсири, мұлоқот жараёнида мактабгача ёшдаги болалар шахсининг шаклланишига таъсир этувчи педагогик ва психологик омилларни аниқлаш; - мактабгача ёш давридаги болалар мұлоқотининг ёш ва жинсга хос жиҳатлари шаклланишида тарбиячининг ролини ҳамда мазкур жараёнининг шахс шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш; - мұлоқот жараёнининг ифодаланиши ва намоён

бўлишига кўра мактабгача ёшдаги болаларда шахс хусусиятларини ривожлантириш имкониятларини, ота-оналар ва тарбиячиларнинг болага муносабатини аниқлаш; - мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ёш ва мулоқот хусусиятларига тарбиявий таъсир жараёни орқали шахс хусусиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик самарали усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиши, илмий-психологик тавсиялар яратиш вазифалари белгилаб олинди.

Юқоридаги каби муаммоларни ҳал этишда психологик усул ва воситаларни қўллаш муаммони ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Тадқиқотимизда деструктив хулқ-атворни бартараф этишда индивидуал ва гурӯхий психотерапияни қўллашнинг афзалликларини тадқиқ этишга жазм қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Meyliyevna B. M. Thedevelopment of cognitive interests in older Preschoolers in the process of getting acquainted With nature //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. –2022. –T. 12. –No. 4. –C. 121-128.
2. Meyliyevna B. M. The development of cognitive interests in older preschoolers in the process of getting acquainted with nature.
3. Meyliyevna B. M. The quality of preschool education at the present stage //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. –T. 11. –No. 10. –C. 2267-2271.
4. Berdiyeva M., Bo‘Ranova S. Maktabgacha va boshlang‘ich ta’limda nutq o‘sirish mashg‘ulotlari orqalibolalarning mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishning samarali usullari //Science and Education. –2021. –T. 2. –No. 4. –C. 425-429.
5. Бердиева М. М. Проектирование предметно-пространственной развивающей среды дошкольных организаций //Педагогика и psychology в

современном мире: теоретические и практические исследования. –2018. –С. 156-159.